

деятельности, но и, в первую очередь, обучения, рассматриваемого как первый этап становления профессионала.

В этом ракурсе становится очевидным необходи-

мость разработки методов и технологий формирования и развития таких коммуникативных навыков у работников, как умения управлять конфликтными ситуациями.

Литература

1. Большая энциклопедия психологических тестов. – М.: «Эксмо», 2007. –С. 416.
2. Маклакова А.Г. Психология и педагогика. Военная психология. СПб. –Питер: 2007. –С. 464.
3. Смирнов В.Н. Психология управления персоналом в экстремальных условиях: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.Н.Смирнов. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. –С. 256.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шахсни низоли вазиятларга бўлган мойиллигини аниқловчи методикасининг ишончлилиги даражаси берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг асосий натижалари талқин қилинган. Маълум бўлганидек, Томас методикаси, низоли вазиятларда ҳуққ-атворнинг бешта усулини аниқлаб беради: ҳамкорлик, рақобат, қочиш, муроа, мослашиш.

РЕЗЮМЕ

В представленной статье изучена надёжность методики predisposition личности к конфликтному поведению. Дана полная презентация основных результатов исследования. Как известно, методика Томаса выявляет пять типов поведения в конфликтной ситуации: соперничество, сотрудничество, компромисс, избегание, приспособление.

SUMMARY

In the presented article, the reliability of the methodology of a person's predisposition to conflict behavior has been studied. A complete presentation of the main results of the research are provided. As it is known, Thomas methodology identifies five types of behavior in a conflict situation: rivalry, cooperation, compromise, avoidance and adaptation.

ДИНИЙ МУТААССИБ (РАДИКАЛ) ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТИ (ҚИЁФАСИ)

Ў.Т.Собиров - мустақил тадқиқотчи
Ўзбекистон халқаро Ислоҳ академияси

Таянч сўзлар: радикал шахс, диний мутаассиблик, радикализм, психопат, модель, бихевиоризм, ноадекват, холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик.

Ключевые слова: радикальная личность, религиозный фанатизм, радикализм, психопат, модель, бихевиоризм, неадекватный, холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик.

Key words: radical personality, religious bigotry, radicalism, psychopath, model, behaviorism, inadequate, choleric, sanguine, phlegmatic, melancholic.

“Инсон онги ва руҳияти доим кимнидир назорат қилади ёки бўлмаса назорат қилинади”. Чиндан ҳам айниқса, диний мутаассиб (радикал) шахс онги ва руҳияти жуда қаттиқ назорат остида бўлади. Сўнги йилларда айнан мутаассиб шахсни ўрганиш соҳа мутахассислари эътиборини тортиб келмоқда. Чунки мураккаб психологик тузилишга эга бўлган диний мутаассиб шахснинг психологиясидаги ўзига хосликни ўрганиш унга қарши курашиш муаммосини имкон қадар енгиллаштиради. Бироқ ушбу муаммо ҳамон тўлалигича бартараф этилгани йўқ.

Р.Х.Душанов қаламига мансуб “Жиноятчи шахс психологияси” номи ўқув қўлланмада С.Рошнинг жиноятчи шахсининг 3 модели келтирилади. Унга қўра:

Биринчи модель: Психопат-мутаассиб модели. У қуйидагича изоҳланган. Бу “ўзининг эътиқодлари (диний, мафқуравий, сиёсий)га асосланган ва ўз ҳаракатлари натижаси қандай бўлишидан қатъий назар, жамият учун фойдали эканига самимий ишонадиган шахс. Бу онг соҳаси у ёки бу таълимотлар билан ниятда торайиб кетган ва унинг ўзи ўз ҳиссий соҳаларига бўйсунгандир. Шу боис у ҳар нарсага қодир. Сиёсий тилда у мутаассиб, психологик тилда эса психопатдир. Психопат, агар интилиш ва қарашлари жамият эҳтиёжларига мос келса, буюк ва эзгу ишларни бажара олади, аммо, ҳаракатларининг мотивлари объектив ғайриижтимоий хусусиятга эга бўлса, улкан ёвузлик содир этиш ҳам қўлидан келади. Ҳар қандай психопат-мутаассиб террорчига айланиши мумкин” [1:39].

Иккинчи модель: Фрустрациялашган модель. Бу модель бихевиоризмнинг фрустрация тажовузкорлик назариясига асосланади. “У ёки бу талабларга қўра инсоннинг ўзи учун ҳаётини муҳим мақсадларга етиша

олмаслиги туфайли юзага келган фрустрация (ноиложлик) ҳисси муқаррар равишда унда тажовузкор ҳаракатларга мойилликни юзага келтиради”.

Учинчи модель: Носоғлом оиладан чиққан шахс. “Ота-онанинг бола билан шафқатсиз муомалада бўлиши, унинг жамиятдан ажралиб қолиши, яхши муносабатларнинг камлиги ғайриижтимоий майлларга эга ғазабнок шахснинг шаклланишига олиб келади. Муайян шароитларда бундай одамлар осонгина террорчилик ташкилотлари воситасига айланишлари мумкин”. Келтирилган моделлар албатта ўринли аммо, муаммонинг бир қисмини изоҳлайди, холос. Умуман олганда, ягона, аниқ ва яхлит манзара қасб этмайди.

Р.Х.Душанов ўз тадқиқотида мутаассиб шахс ҳақида ўз қарашларини билдириб, агар мутаассиб шахсни жамият учун хайрли ишга йўналтирилса, у қатта бунёдкорлик ишларига ва аксинча, агар уни бузғунчиликка йўналтирилса, у дахшатли қўпоровчиликка қодир эканлигини айтиди. Юқоридаги фикрлардан диний мутаассиб шахснинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – бошқалар томонидан таъсир кўрсатилишига мойиллик, деб баҳолаш мумкин. Демак, диний мутаассиб шахс ҳам бошқарувчи ҳам бошқарилувчи бўлиши мумкин.

Шунингдек, С.Ениколоповнинг мутаассиб-террорчи шахси ҳақидаги қарашлари ғоят аҳамиятлидир. У мутаассиб (радикал) шахсини яхлит психологик портретини яратиш мушкуллигини айтиб, уларга хос бўлган хусусиятлардан келиб чиқиб, икки типга ажратади:

“Биринчиси, юксак интеллектли, ўзига нисбатан ишончи, ўзини юқори баҳолаши, ўзини қарор топтиришга интилиши билан ажралиб туради.

Иккинчиси эса, ўзига ишонмайди, ожиз “мен”га ва

ўзига нисбатан паст бахога эга бўлган омадсизлар”[1:40]дир.

Юқоридаги қарашдан келиб чиққан ҳолда, диний мутаассиб шахсларни маълум етакчилик хусусиятига қараб юқоридаги типлардан бирига киритсак, муаммо анча ойдинлашади. Қолаверса, диний мутаассиб (радикал) шахслар, цивилизация ва маданиятга бўлган ноадекват муносабат ва бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан мурасасизлик каби хусусиятлари билан террорчи шахснинг асосий белгилари сифатида кўрсатилади. Шунингдек, тадқиқотларда мутаассиб-террорчи шахсининг ёшлигидан ота-она ва яқинлари меҳридан жудо бўлиши, кўпинча қулоқ ва бошқа аъзолари касаллигининг кўп учраши каби омиллар ҳам мавжуд бўлиши таъкидланади.

Г.Айзенк сўровномаси ёрдамида террорчиларда ўтказилган тадқиқотларда террорчилик актларини 46% холиклар, 32% сангвиниклар, 12% меланхоликлар, 10% эса флегматиклар содир этганлиги аниқланган [1:40].

Тадқиқот натижаларининг таҳлилидан шундай хулоса келиб чиқадики, инсондаги мавжуд темпераментлар ҳам шахсдаги диний мутаассибликка мойиллигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари қўлланмада ёш хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, мутаассиб-террорчи гуруҳ аъзоларининг ўртача ёшлари 16-35 атрофида эканлиги келтириб ўтилган. Зеро, инсоннинг жамиятдаги ўз ижтимоий статуси (мавқеи)ни англаш ва реал “мен”ини намойиш этиши ҳам айнан шу ёш оралиғида кечади. Демак, маълум ижтимоий тўсиқларга, рухий тушқунликка учраган шахсда диний мутаассиб (радикал)ликка мойиллик ортиши мумкин. Шунингдек, террорчи шахс типларга ажратилиб, улардан иккинчиси мафкуравий мутаассиблар (эътиқодий, мафкуравий, сиёсий) ҳисобланиши ва бу тип бошқа типлардан кўра энг хавфли эканлиги таъкидланади.

Алиасхаб Мурзаев ўзининг “Психологические предпосылки развития религиозного фанатизма” номли мақолада мутаассиб шахс эътиқоди ва индивидуал хусусиятларини ўзаро қарамлигини алоҳида ажратиб кўрсатган. Шахс характери билан эътиқодини

диалектик (ўзаро, узвий) боғлиқлиги ва диний мутаассиб (радикал) шахснинг характер акцентуациясига эътибор қаратган. Яъни, ҳар қандай эътиқод шахснинг индивидуал хусусиятлари таркибига кирувчи ўзига хос маънога эга бўлади.

Диний мутаассиб (радикал) шахс одатда, террорчи шахсга айланиб боради. Ундаги мавжуд хусусиятлар, фаолият мотивлари ўзгариб, характер акцентуацияси яққол кўриниб қолади.

Шунингдек, “мурасасизлик мутаассиб (радикал)ликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мурасасиз шахс ўз ўрнида, шахсий қарашларига зид бўлган ҳар қандай қарашни қатъиян рад этади. Болаликда берилган тарбия – авторитар тарбия, эзувчи тарбия, умумий назорат қилувчи тарбия, ҳамма нарсага рухсат берилган тарбия ва бошқа шу каби тарбия турлари шахснинг ўзига хос хусусиятлари, кескин вазиятларда ҳулқ-атворнинг вайрон қилувчи, емирувчилик хусусиятларини намойиш бўлиши, вақт ўтиши билан шахс характерининг салбий томонга ўзгариши каби омиллар мутаассиб (радикал)ликнинг келиб чиқишига замин яратади. Бундан ташқари, шахснинг ўзи тушиб қолган салбий вазиятдан чиқиб кета олмаслиги ва воқеликни тўғри баҳолай олмаслиги ҳам мутаассиб (радикал)ликка олиб келади” [2:12].

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов: “...ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлиғига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга-ўзравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади”[3:38-39], деб айнан диний мутаассиб (радикал)ликни таърифлаган эдилар.

Ҳозирда диний мутаассиб (радикал)лик муаммосининг кенг қамровли илмий тадқиқотларни талаб этувчи жиҳатлари етарлидир. Бирор бир фан доирасида диний мутаассиб (радикал) шахс хусусиятларига оид илмий қарашлар, шахснинг психологик портрети (киёфаси), уни диагностика қилиш ва коррекциялаш масаласи комплекс ёритилган манбалар учрамайди. Бу эса муаммо юзасидан кўплаб тадқиқотларни таҳлил этиш ва зарур жиҳатларни татбиқ этиш лозимлигини тақозо этади.

Адабиётлар

1. Душанов Р.Х “Жиноятчи шахс психологияси” – Т.: ИИВ Академия. 2011.
2. Турдиева Д. Адашган “нозик хилқат”. – Тошкент: “Мовароуннахр”, 2016.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997.

РЕЗЮМЕ

Сўнгги йилларда айнан мутаассиб шахснинг ўрганиш соҳа мутахассислари эътиборини торттиб келмоқда. Чунки мураккаб психологик тузилишга эга бўлган диний мутаассиб шахснинг психологиясидаги ўзига хосликни ўрганиш унга қарши курашиш муаммосини имкон қадар енгиллаштиради. Шунга асосан ушбу мақолада мутаассиблик, мутаассиб шахс психологияси, портрети ва уни тавсифловчи омиллар, мутаассиб шахснинг умумий жиҳатлари психологик таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В последние годы изучение отдельных фанатов привлекло внимание специалистов в этой области. Потому что изучение специфики психологии религиозного фанатика со сложной психологической структурой максимально упрощает задачу борьбы с ним. Исходя из этого, в статье даётся психологический анализ фанатизма, психология фанатика, портрет и факторы, которые его характеризуют, общие аспекты фанатика.

SUMMARY

In recent years, the study of the individual fanatic has attracted the attention of experts in this sphere. Because the study of specificity in the psychology of a religious fanatic with a complex psychological structure makes the problem of combating it as easy as possible. Based on this, this article provides a psychological analysis of fanaticism, the psychology of the fanatic, the portrait and factors characterizing the general aspects of the fanatic.